

## 542 Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида\*

Қонунчилик палатаси томонидан  
2011 йил 4 октябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2011 йил 6 декабрда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-мод-

---

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2011 йил 22 декабрда эълон қилинган.

далар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда) **285-моддаси иккинчи қисмининг ўзбекча матнидаги** «ҳалол йўл билан топган пулига сотиб олган шахсга» деган сўзлар «инсофли эгалловчига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163–I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256–I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 156, 164-моддалар, № 8, 367-модда, № 9, 416-модда, № 12, 598, 608-моддалар; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335, 337, 340-моддалар) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **137-модданинг ўзбекча матнидаги** «кашфиётчиларга» деган сўз «ихтирочиларга» деган сўз билан алмаштирилсин;

2) **512-модда биринчи қисмининг ўзбекча матни** «(рента тўловчига)» деган сўзлардан кейин «мулк қилиб» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) **1056-модда еттинчи қисмининг ўзбекча матнидаги** «кашфиётларни» деган сўз «ихтироларни» деган сўз билан алмаштирилсин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 декабрда қабул қилинган **«Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш тўғрисида»**ги 535–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 1, 4-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 640-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

1) **13-модда** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин: «Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ушбу муддатнинг ўн икки ойга узайтирилишига йўл қўйилади»;

2) **19-модданинг иккинчи қисмидаги** «йигирма тўрт ой муддатгача» деган сўзлар «уни санация қилиш муддатига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 607–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6-сонга илова; 2003 йил, № 1, 8-модда; 2004 йил,

№ 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 157-модда; 2008 йил, № 4, 189-модда; 2009 йил, № 9, 328-модда; 2010 йил, № 9, 334, 335-моддалар) **175-моддасининг матнидаги** «халқ таълими бўлимларига» деган сўзлар «халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августда қабул қилинган «**Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида**»ги 670–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 9, 170-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 8, 367-модда) **34-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Етказилган зарарларга шартнома мажбуриятлари бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги, мол-мулк йўқолиши ёки шикастланиши муносабати билан тараф қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлар, шунингдек, агар иккинчи тараф шартнома мажбуриятларини бажарганида тараф олиши мумкин бўлган, лекин ололмайд қолган даромадлар кироди».

**6-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августда қабул қилинган «**Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисида**»ги 678–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 9, 178-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 309-модда) **19-моддаси номи** ва **биринчи қисмининг ўзбекча матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«19-модда. Маданий бойликларни инсофли эгалловчининг ҳуқуқлари**

Бошқа мамлакатлардан қонунга хилоф равишда олиб чиқилган, бошқа давлатларда ўғирланган ёки йўқолган маданий бойликларни инсофли эгалловчи уларни қонуний мулкдорига қайтариши лозим. Бундай ҳолларда инсофли эгалловчига белгиланган тартибда компенсация тўланади».

**7-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 31 августда қабул қилинган «**Психиатрия ёрдами тўғрисида**»ги 123–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 7-8, 215-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **3-модданинг биринчи қисмидаги** «юридик ва жисмоний шахсларга» деган сўзлар «юридик шахсларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **16-модданинг:**

**учинчи қисмидаги** «юридик ва жисмоний шахсларга» деган сўзлар «юридик шахсларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**тўртинчи қисмидаги** «юридик ва жисмоний шахслар» деган сўзлар «юридик шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**8-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 6 декабрда қабул қилинган «**Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида**»ги 310–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 1, 10-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; 2007 йил, № 7, 325-модда, № 12, 598-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **14-модданинг иккинчи қисмидаги** «эллик» деган сўз «қирк» деган сўз билан алмаштирилсин;

2) **34-модданинг ўнинчи қисмидаги** «учинчи ва ўн учинчи хатбошиларида кўрсатилган масалалар» деган сўзлар «ўн иккинчи хатбошида кўрсатилган масала» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**9-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 20 июлда қабул қилинган «**Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида**»ги ЎРҚ–42-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 7, 372-модда) **19-моддаси еттинчи қисмининг ўзбекча матнидаги** «кашфиётларни» деган сўз «ихтироларни» деган сўз билан алмаштирилсин.

**10-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 22 декабрда қабул қилинган «**Риэлторлик фаолияти тўғрисида**»ги ЎРҚ–269-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 12, 469-модда) **18-моддаси биринчи қисмининг тўққизинчи хатбошидаги** «халқ таълими бўлимлари» деган сўзлар «халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**11-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2011 йил 21 декабрь,  
ЎРҚ–311-сон